иккинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КАРОРИ

472 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўгрисида

Республика саноатини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида:

1. 2011 — 2015 йилларда республика саноатини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

структура хосил қилувчи тармоқларни ва умуман саноатни ривожлантиришнинг аниқ, чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш, шу асосда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;

ватанимиз саноат махсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва умуман иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг жахон меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, туҳимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни илдам ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуҳурлаштириш, ҳишлоҳ хуҳжалик маҳсулотларини сифатли ва чуҳур ҳайта ишлаш, ҳурилиш материаллари ишлаб чиҳариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир булган, ҳушилган ҳиймат улуши юҳори раҳобатдош маҳсулот ишлаб чиҳариш;

саноат корхоналарини кенг микёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жихозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илгор инновация технологияларини жадал татбик этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб

боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат махсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш:

мехнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва махсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

саноат махсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.

- 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 июлдаги Ф-3471-сон фармойишига мувофик ташкил килинган Махсус ишчи гурухи томонидан ишлаб чикилган 2011 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўгрисидаги Дастур маъкуллансин, у куйидагиларни ўз ичига олади:
- 2011 2015 йилларда республика саноатини ривожлантириш ва унинг таркибини диверсификация қилишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1, 1а-иловаларга* мувофик;

молиялаштириш манбалари белгиланган ва келишилган, саноатда амалга ошириладиган ва амалга оширишга тайёрлаб қуйилган инвестиция лойихалари руйхати 2-иловага* мувофик;

ишлаб чиқиш (хорижий шерикни танлаш, молиялаштириш шартлари ва манбаларини аниқлаш) босқичида булган саноатдаги янги инвестиция лойихалари руйхати 3-иловага* мувофик;

дастлабки тарзда ишлаб чиқилаётган саноатдаги истиқболли инвестиция лойихалари руйхати 4-иловага* мувофик.

2 ва 3-иловаларга киритилгин инвестиция лойихаларини амалга оширишда иштирок этувчи давлат ва хужалик бошқаруви органлари, бирлашмалар ва корхоналар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликларининг рахбарлари зиммасига тасдиқланган дастурий тадбирларнинг амалга оширилишини хамда объектлар белгилаётган муддатларда ишга туширилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

^{* 1 — 4-}иловалар берилмайди.

- 3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда бир ой муддатда иқтисодий фаолият турларининг амалдаги классификатори ва ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш методикасини танқидий қайта куриб чиқсин, бунда саноат ишлаб чиқаришни ҳажмлари ҳамда унинг мамлакат иқтисодиёти таркибидаги улуши ғоят аниқ ва тулиқ ҳисобга олинишини таъминлаш назарда тутилсин.
- 4. Инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорлари давлат ва хужалик бошқаруви органларининг раҳбарлари Узбекистон Республикаси «Давархитехтқурилиш» қумитаси билан биргалиқда Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларининг зарур лойиҳа ҳужжатлари уз вақтида ишлаб чиқилиши, келишиб олиниши ва тасдиқланишини таъминласинлар.
- 5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

бир ой муддатда инвестиция лойихаларининг ташаббускорлари — давлат ва хужалик бошкаруви органларининг рахбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг 2 — 4-иловаларига киритилган инвестиция лойихаларини тайёрлаш ва амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини, шунингдек худудий инвестиция лойихаларининг манзилли руйхатларини тасдиқласин;

хар йили Инвестиция дастурини шакллантиришда ушбу қарорга мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилган инвестиция лойихаларини белгиланган тартибда унга киритсин.

- 6. Вазирлар Махкамаси хузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик, йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари буйича идоралараро кенгаш (Р.С. Азимов) доимий асосда ишларни мувофиқлаштириб борсин ҳамда саноатдаги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни тезкорлик билан ҳал этсин ва зарур ҳолларда ушбу Дастурга киритилган инвестиция лойиҳалари руйҳатига ҳамда асосий параметрларига аниқликлар киритсин.
- 7. Дастурга киритилган инвестиция лойихаларини амалга оширишда давлат ва хужалик бошқаруви органлари, корхоналарга лойихаларнинг тасдиқланган дастлабки ТИАлари асосида ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ҳамда стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари буйича идоралараро кенгаш қарорига биноан қуйидагиларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин:

инвестиция лойихаси бўйича ТИА хамда иш хужжатларини ишлаб чикиш билан бир вақтда, саноат объектларига туташ мухандислик ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари бўйича қуриш-монтаж ишларини бажариш;

Ӱзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг эксперт хулосалари асосида — тузилган ва белги-

ланган тартибда руйхатга қуйилган шартномалар асосида ишлаб чиқариш муддати узоқ булган ускуналарни харид қилишга аванс (бунак) ажратиб бериш.

8. Қуйидагилар:

инжиниринг қилиш, етказиб бериш ва объектларни «тайёр ҳолда топшириш» шартларида қуриш буйича тендер савдолари ёки турридан-тури музокаралар натижасида тузилган шартномалар буйича Дастурга киритилган инвестиция лойиҳалари юзасидан ТИАни тасдиқлаган ҳолда бир стадияли тартибда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашга;

тижорат банкларига ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тарақкиёт жамғармасига Дастурга киритилган, саноатнинг базавий тармоқларидаги инвестиция лойиҳалари буйича лойиҳадан олдинги ҳамда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга имтиёзли кредит маблағларини ажратишга, шу жумладан уларнинг қийматини кейинчалик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратиладиган кредитлар суммасига қушишга рухсат этилсин.

- 9. Дастурга киритилган лойихаларни амалга ошириш доирасида Вазирлар Махкамаси томонидан тасдикланадиган руйхатлар буйича олиб келинадиган, республикада ишлаб чикарилмайдиган ускуналар, материаллар ва бутловчи буюмлар 2016 йилнинг 1 январига қадар муддатга божхона туловлари тулашдан (божхона расмийлаштируви йигимларидан ташқари) озод этилсин.
- 10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- 11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикаси Президенти

и. каримов

Тошкент ш., 2010 йил 15 декабрь, ПҚ—1442-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ−1442-сон қарорига 5-ИЛОВА

Узбекистон Республикаси Президентининг хамда Вазирлар Махкамасининг ўз кучини йўкотган деб хисобланадиган қарорлари

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жихозлаш бўйича энг мухим лойихаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўгрисида» 2009 йил 12 мартдаги ПҚ—1072-сон қарори.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи карорларига ўзгартишлар киритиш тўгрисида» 2009 йил 12 октябрдаги ПК—1204-сон карори иловасининг 7-банди.
- 3. Вазирлар Маҳкамасининг «2009-2010 йилларда энг муҳим инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш ва технологик ускуналарни харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 13 июлдаги 197-сон қарори.